166) Оғана (р.а.)нинг отаныры Абу Бакр ас-Сиддик (р.а.)ларлар. Расууллох соллаллоху алайхи ва саллам билдиң отары Ақидага күра, пайтамбарлардан кейин энг ағзал ишон Абу Бакр ас-Сиддик (р.а.)ларлар.

167) Мадина, умуман, арабтарда уруғчылык аяна күнінен зор. Қабілалар уруғларда бүлінеділілар. Расууллох соллаллоху алайхи ва саллам бу ерда Мадина-шілдегі Мадина шарқта ушбу иккі тошлок орасида жойланғанды.

Абу Исо рахимахуллох: «Бу хасан-саҳих хадисдир!» делилар.

175) ал-Ансорий → Машн → Молик ибн Анас; Кутайба → Кинн ибн Анас → Мухаммад ибн ал-Мунқадир → Жобир роллаллоху анху бизга хадис айтгандар:

168) Альробий Расууллох соллаллоху алайхи ва сал-

ламда көлиб исломга байтат килди. Мадинада эса уни енгилдең түштіп көлди. Альробий Расууллох соллаллоху алайхи ва саллам хуурларига көлиб: «Байтатимни кайтиб олинг!»

169) Расууллох соллаллоху алайхи ва саллам күймади-

170) Сүнг яни көлиб: «Байтатимни кайтиб олинг!» – леди.

Расууллох соллаллоху алайхи ва саллам янан күймадилар.

Арабий [Мадинадан] бөш олиб, берүхсат] чикиб кетди.

Абу Исо рахимахуллох: «Бу хасан-саҳих хадисдир!» делилар.

171) Кутайба → Молик; ал-Ансорий → Машн → Молик → Амир ибн Абу Амир → Анас ибн Молик розийаллоху анху бизга жөнне айтгандар:

«Расууллох соллаллоху алайхи ва салламга Үхүд [тоги

172) – орасидаги жоюни харам килдім!»¹⁶⁷ Эй Аллох! Иброхим алайхиссалом!

173) Мадинанинг шарқта ушбу иккі тошлок орасида жойланғанды.

Абдуллох ибн Умар – Абдуллох ибн Умар (612–693) саҳоби пророкт олим ва мужтаҳидаридан бири. Ҳижоз фикхи ва ақушиниг тамал тошини кўйған зот. Мадинага хижрат килингандар, Ҳазрат Усмон (р. а.)дан кейин халифалик тақлиф килингандар. Ҳазрат Усмон (р. а.)дан кейин халифалик тақлиф килингандар. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анхудан ёниш энг кўп – 2630 ҳадис ривоят килганлар.

ИСМЛАР ИЗОХИ

«Рӯбъониёт ат-Термизий»даги ровий саҳобалар

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо – Абдуллоҳ ибн Абу Авфо ал-Аспамий (ваф. 705) таникли саҳобалардан бири. Отаси ҳам саҳоба бўлган. Ризвон байъатида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга кўл берганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотидан сўнг Кўфага кўчиб кетганлар. Кўфа да вафот этган энг охирги саҳоба бўладилар. Имоми Абзам Абу Ханифа раҳимаҳуллоҳ у зотни зиёрат килганлар. 95 та ҳадис ривоят килганлар.

Абдуллоҳ ибн Жаъфар – Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толиб ал-Ҳошимий ал-Қураший (622–700) машҳур саҳобалардан бири. Ҳабашистонда туғилганлар. Оталари Жаъфари Тайёр (ваф. 629) розийаллоҳу анху бўладилар. Саховатни зот бўлган эканлар.

Абдуллоҳ ибн Саржис – Абдуллоҳ ибн Саржис ал-Музаний (ваф. 702) саҳобалардан бири. Унинг саҳоба эканига шубҳа билдирганлар ҳам бор. Лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ҳамговок бўлиб, гўшт ва нон етани, у зотга: «Менинг хаккимга истигфор айтинг!» – деб илтимос килгани накл килинган. Унинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сағар дуосини ривоят килгани ҳам мальум. Бастрада истикомат килганлар. «Саҳихи Бухорий»дан бошқа ҳадис тўтиламларидан унинг ривоят килган ҳадислари мавжуд.

Абу Ҷухайға – Вахб ибн Абдуллоҳ Абу Ҷухайға ас-Суводий (ваф. 691) кичик саҳобалардан бири. Кўфада яшаб колганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этганларидан узун билогатга етмаган ёш бола бўлганлар. Ҳазрати Али каримиллоҳу важхаху уни яхши кўрар ва Вахбуллоҳ дер эканлар.

Абу Махзура – Абу Махзура Авс ибн Метъяр ал-Қураший (ваф. 696) машҳур саҳобалардан бири. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Макқадаги муаззинлари бўлганлар. Кунииси билан танилганлар, ҳакиқий исми борасида турли фикрлар айтилган. Макка фатхила ва ундан кейин Макка юни муаззинлик килганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам силаган соchlар леб, табаррук юзасидан соchlарини олжирмий тараражанлар.

Абу Саъид ал-Ҳуррий – Абу Саъид Сайд ибн Молик ал-Ҳуррий (613–693) мадиналик машҳур саҳобалардан бири. Оташари ҳам саҳоба бўлганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг холимларидан бири. У зот кўплаб – 1170 та ҳадисларни ривоят килганлар.

Абу Үмома ал-Боҳилий – Абу Үмома Садий ибн Ажлон иб-Боҳилий (610–700) саҳобалардан бири. Боҳила қабиласининг Ҷомъ үруғидан бўлганлар. Үмрининг охиррида Шомнинг Ҳимс шахрида истикомат килганлар. Ҳимсда яшаган саҳобаларнинг ёнг охиргиси. 250 та ҳадис ривоят килганлар.

Абу Ҳурайра – Абу Ҳурайра Абдураҳмон ибн Саҳр ал-Давидий (602–679) машҳур саҳобалардан бири. Энг кўп ҳадис ривоят килган саҳоба сифатида танилган. Бир муддат Бахрайнга волий,

Маккага кози бўлиб турган, Мадинада волийлик хам килгандар. Карийб уч йил давомида муттасил Расууллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламдан ажратмаганлар. Унинг ривоят килган хадисларининг сони 5374 та экани аниқланган.

Абу Шурайх ал-Алавий – Абу Шурайх Хувайлил ибн Амр ал-Хузольий ал-Алавий (ваф. 687) сахобалардан бири. Исмини фатхидан олдин мусулмон бўлганлар. Макка кабиласининг байроғини кўтариб олган эдилар. Мадинада вади-фот этганлар.

Адо иби Холид иби Ҳавза – Адо иби Холид ал-Омирий (VII аср) сахобалардан бири. Басра аъробийларидан хисобланган. Расууллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам хузурларига Ҳунайн Газотидан кейин келиб исломга кирганлар. Расууллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам ундан бир кўп сотиб олиб, мазкур байй бўйича олди-содги партномаси ёздириб берганлар.

Анас иби Молик – Анас иби Молик ибн Назр ал-Хазракий ал-Ансорий (610–712) мадиналик машхур сахобалардан бири. Факих сахобалардан бўлганлар. Болалитидан бошлаб ўн йил Расууллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламнинг хос ходимларидан бўлган. 2630 (айримлар фикрича 2286) та хадис ривоят этилганлар. Узок умр кўриб, Басрада вафот этганлар.

Баров иби Озиб – Абу Умора ал-Баро иби Озиб иби ал-Хорис ал-Хазракий (ваф. 690) таникли сахобалардан бири. Бадр жанги пайтида 14 ёш бўлгани учун Расууллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам уни оркага кайтарганлар. Бир муддат Рағба волий бўлиб турганлар.

Жобир иби Абдуллоҳ – Жобир иби Абдуллоҳ ал-Хазракий ал-Ансорий (607–697) мадиналик машхур сахобалардан бири. Умрларининг охирларидан «Масжиди набавия»да Ҳалка ташкил килиб, ўкувчиларга дарс берганлар. У хам кўп хадис ривоят килувчилардан бўлиб, 1540 та хадис ривоят килгандар мальум.

Жобир иби Самура – Жобир иби Самура иби Жунода ибн Ҷупотий (ваф. 693) сахобалардан бири. Отаси хам сахоба шифтишар. Кўфага келиб яшаб колганлар. Унинг 148 та хадис ривоят килгани мальум.

Ибн Аббос – Абдуллоҳ ибн Аббос ал-Кураший (619–687) ишени факих сахобалардан бири. «Уммат донишманди», «Куръон таржумони» деган фахрли уйновларига эта бўлганлар. 1660 та хадис ровийиси сифатидан хам танилганлар. Унинг тафсир бўшиш айтган гап ва ривоятларини тўплаб, «Тафсир ал-Куръон» деган китоб яратилган. Зекни ва хотираси жуда ўткир бўлган юн юн. Бир эшишида 80 байти ёдлаб олгани накл килинган. Жор бир кунини шогидлари учун бир мавзуга – тафсир, фикр, шеърият, тарих кабиларга бўлиб кўйган эканлар.

Мисвар иби Махрама – Абу Абуруҳман Мисвар иби Махрама ал-Кураший (624–683) сахобалардан бири. Ҳижрат шинон иккинчи ўили Маккада туғилганлар. Сахобаларнинг ахли юни фикрхаридан бўлганлар. Унинг отаси хам сахоба бўлиб, Қуръонликларнинг олимларидан саналган. Улар ҳижратнинг юбогизинчи ўили Мадинага кўчиб борганлар. Расууллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам вафот этганларидан саккиз яшар бола бўлиб, ул зотдан эшигтан хадисларини ёдлаб колганлар. Кейинчилик тогалари Абдурураҳмон ибн Авғон розийаллоҳу анку билан бирги шўро ҳайъатида иштирок килиб юрганлар. У зот Сифоғида Ҳазрати Али каррамаллоҳу вакхаху тарафини олганлар. Ишмоҳ ўқиёттанида устига тош тушиб вафот топганлар. 22 та юнос ривоят килгани мальум.

Муғира иби Шўъба – Муғира ибн Шўъба ас-Сакафий (600–670) сахобалардан бири. Ҳандак газоти бўлган ўили исломга кирганлар. Ҳудайбияда иштирок килгандар. Сахобаларнинг ўгу ва машхурларидан бўлиб, шижоатли ва акл-идроқли, узун бўйни, калди-комати келишган, бакувват киши бўлган эканлар. Расууллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам унта «Абу Исо» деб, Ҳазрати Умар эса «Абу Абдуллоҳ» деб куния кўйганлар. У сахо-

балар орасида «Дахо» деган лакабга эга бўлган. Уни вафотигача 300 та аёлга уйланганлигини ёшиб колдирганин. Ҳазрати Умар даврида Басрага волий бўлиб, у ерда иш бор девонхона ташкил килганлар. Сўнг Кўфага бир муддат волий бўлиб турганлар. 12 та хадис ривоят килганлар.

Нўймон иби Башир – Нўймон иби Башир ал-Ансорий ал-Хазражий (623–684) мадиналик таникли сахобалардан бири. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам анхумнинг амакиава-чишидир. Ундан ўз ўғли Муоз раҳимаҳуллоҳ хадис ривоят килган, холос. Ином ат-Термизий раҳимаҳуллоҳ унинг хадисини ривоят килганлар.

Рифоъа иби Рофэй иби Афроъ – Рифоъа иби Рофэй иби Афроъ ал-Ансорий (VII аср) мадиналик сахобалардан бири. Афроъ уларнинг онасининг исми бўлади. У иш мусулмон бўлган Муоз, Мульаввиз ва Авф розийаллоҳу анхумнинг амакиава-чишидир. Ундан ўз ўғли Муоз раҳимаҳуллоҳ хадис ривоят килган, холос. Ином ат-Термизий раҳимаҳуллоҳ унинг хадисини ривоят килганлар.

Рубаййеъ бинти Мульаввиз иби Афроъ – Рубаййеъ бинти Мульаввиз иби Афроъ (VII аср) сахобия аёллардан бири. Афроъ унинг онасининг исми. Отаси Мульаввиз иби ал-Хорис ал-Ансорий (ваф. 624) мадиналик сахобалардан бири бўлган. У зот ансорлар орасида иш мусулмон бўлганлардан ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат килган ва Бадрда иштирок этиб, Абу Жаҳни ўлдирган ва кейин ўзи шахид бўлган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Рубаййеъ розийаллоҳу анхони хурмат килганлар, тўйила шахсан иштирок килганлар, жангларда бирга олиб юрганлар. У бъзиди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таҳоратларига сув куйиб турганлар.

Салама иби ал-Ақвайъ – Салама иби ал-Ақвайъ ал-Асламий (613–693) сахобалардан бири. Мадина яшаганлар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат килганлар. Кейинчалик Рабазага бориб яшаганлар. Умридан бир-икки кун колгани-

до Мадинага кайтиб келиб, шу ерда вафот этганлар. Шижоатли, шроғили хислатли ва яхши ўкотар бўлганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у зот ҳакларида «Мардларимизнинг яхшиест!» деб таъриф берганлар. 77 та хадис ривоят килганлар.

Сафина – Сафина Абу Абдураҳмон (ваф. 689) сахобалардан бири. Мўъминлар онаси Умму Салама уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга хизмат килиб юриши шартги билан ёном килганлар. Асли исми бошкacha бўлган экан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг жуда оғир ток кўтариб кесиёттанини кўриб: «Сен сафина, яъни кема экансан-ку!» дегандар учун «Сафина» унинг лакаби бўёби колган. «Уммагимда юнишфалик ўтиз йилдир. Ундан кейин подшохликлар бўлади», деган хадисни ривоят килганлар. Унинг 14 та хадис ривоят килгани мальум.

Саҳл иби Саъл ас-Сөъдий – Саҳл иби Саъл ас-Сөъдий ал-Хазражий ал-Ансорий (611–710) мадиналик сахобалардан бири. Кабиласининг улуг кипиларидан бўлганлар, юз ёшлиари юз шафот этганлар. Бир муддат Мисрда хам яшаганлар. 188 та юзис ривоят килганлар.

Торик иби Ашъям иби Маъсул ал-Ашжайий – Торик иби Ашъям ал-Ашжайий (VII аср) сахобалардан бири. Кўфада ис-тикомат килганлар. Иккита хадис ривоят килгани мальум. У тобеъинларнинг олимларидан бўлмиш Абу Молик ал-Ашжайий тоҳимаҳуллоҳнинг отасиидир.

Укба иби Омир – Укба иби Омир ал-Жуханий (ваф. 678) таникли сахобалардан бири. Мисрда уч ўйлча волий бўлиб турганлар ва у ерда вафот этганлар. Ҳозирда кабри катта зиёратгоҳидир. У зот кори, факих, дин олими сиғатида обруға эга бўлганлар. Куръони каримни ўзи алоҳида китоб – мусхаф холига кеттирганлар. Унинг 55 та хадис ривоят килгани мальум.

Умайма бинти Рукайка – Умайма бинти Рукайка (VII аср) сахоба аёллардан бири. У мўъминлар онаси Ҳадича роҳималлоҳу анхоннинг она бир синглиси, Пайғамбаримиз алай-

хиссаломнинг кизлари Фотиман Захро розийаллоху анхонинг холалари, машхур тобеин Мухаммад ибн ал-Мункамир раҳи-махуллохинг эса аммасидир. Ундан кизи Ҳукайма ҳам ҳадис ривоят килган. Ҳазрати Муовия розийаллоху анху уни Шомга кўчирниб олиб бориб, ховли куриб берганлар. Бир неча ҳадислар ривоят килганлар.

Умайр Мавло Обу-л-Лахм – Умайр ал-Гифорий (VII аср) сахобалардан бири. Ҳайбар газотида хали кул бўлгани сабабли унга йўлжалардан улуш ажратилмаган. Расууллоҳ соллалоҳу алаихи ва саллам унга килич совга килганлар. Унинг 9 та ҳадис ривоят килгани мальум. У зот гўшт ейшидан ўзини тийани, гўшт емасликка касд килгани сабабли «Оби-л-Лахм» («Гўштдан безор бўлган киши») деган лакаб билан танилган. Бани Гифор уругининг оксоколларидан ва шоирларидан бўлган сахоба Оби-л-Лахм ал-Гифорий (ваф. 629)нинг озод килган кули. Шунинг учун уни болшалардан ажратиш учун Умайр мавло Обу-л-Лахм дейилади.

Усома ибн Шарик – Усома ибн Шарик ас-Саълабий (VII аср) сахобалардан бири. Бани Саълаба кабиласидан бўлганлар. Расууллоҳ соллалоҳу алаихи ва салламнинг олдиларига келганимда, сахобалари у зотнинг хузурларидаги худди бошларидаги күниб тургандек одоб сакнаб ўтирад эдилар, деган ривоитни айтганлар.

Кудома иби Абдуллоҳ – Кудома иби Абдуллоҳ ал-Омирий ал-Килобий (ваф. 700) сахобалардан бири. Илк мусулмон бўлган сахобалардан бўлиб, Маккада истикомат килганлар. Ҳижрат килмай колганлар. Кейинчалик Наждининг саҳросига кетиб яшаганлар. Расууллоҳ соллалоҳу алаихи ва саллам билан бирга халисни ривоят килганлар.

Хориса иби Вахб – Хориса иби Вахб ал-Хузовий (VII аср) сахобалардан бири. У зот Кўфала истикомат килиб колганлар. Унинг «Жаннатийлар тўғрисида сизга хабар берайми? Улар ҳар

бір иниф бечорахоллар бўлиб, агар Аллоҳга касам исса, уни ишоббет килар. Дўзахийлар хакида ҳам хабар берайми? Улар коюн кўйган золим майман кимсалларларди» деган ҳадисни ҳам юнот килгани мальум.

«Руболийёт ат-Термизий»даги ровий тобеинилар

Абдулазиз иби Сухайб – Абдулазиз иби Сухайб ал-Буношӣ (ваф. 748) ишончи тобеинилардан бири. Басралиқ бўлиб, қуона кўчасида яшаган. Баззилар уни курайшининг Бунона үргичдан бўлган дейиншган. У зот Анас иби Молик розийаллоҳу ишбу каби сахобаларни кўрган. Иброҳим иби Тахмон, Шўйб, Ҳаммод иби Зайд кабилар ундан ҳадис ривоят килганлар. Умарларининг охирида кўзлари кўрмай колган. Имом Аҳмад уни «Ишончили-ишончили зот!» деганлар.

Абдуллоҳ иби Аблурраҳмон иби Мальмар ал-Ансорий – Абу Тувола Абдуллоҳ иби Аблурраҳмон иби Мальмар иби Ҳазм ал-Ансорий (ваф. 751) Мадина козиси, ишончили ҳадис ровийси. Ҳалифа Умар иби Абдулазиз даврида козипли килган. У пайтдо сахобалардан бир канчаси хаёт эдилар. Доим рўза тутган эканлар.

Абдуллоҳ иби Динор – Абу Аблурраҳмон Абдуллоҳ иби Динор ал-Давий ал-Маданий (ваф. 745) тобеинилардан бири, ишончили ҳадис ровийси. Абдуллоҳ иби Умар розийаллоҳу анхуниг ходими. Анас иби Молик розийаллоҳу анху каби сахобаларни кўрган.

Абдуллоҳ иби Мұхаммад иби Ақил – Абдуллоҳ иби Мұхаммад иби Ақил иби Абу Толиб (ваф. 762) тобеинилардан бири бўлиб, Ибн Умар, Анас, Жобир, Рубаййев бинти Муаввиз розийаллоҳу анхум ажмайин каби сахобаларни кўрганлар. Саъид иби Ши-Мусайиб, Мұхаммад иби ал-Ханафия, Абу Салама, Ато иби Ясор каби тобеинилардан ҳам ҳадис эшитганлар. Айрим мухадислар унинг ҳадистарини инкор килган бўлса ҳам, лекин Имом

ат-Термизий унинг хадисларини буюк мұхадислар хүржат кишилганини тақтиллаганлар.

Абдулмажид иби Вахб – Абу Вахб Абдулмажид иби Абу Язид Вахб ал-Уқайлий ал-Омирий ал-Басрий (VIII аср) тобеңиңкүм каби сахоба ва тобельнілардан хадислар ривојт кілғанлардан бири, ишончли хадис ровийсі. Бир неча сахобаларин күрганлар.

Абдулмалик иби Абу Махзура – Абдулмалик иби Абу Махзура ал-Жумахий (VIII аср) тобельнілардан бири. Отала-ри пайғамбаримиз атайхиссаломнинг муаззинлари. Бир кинча сахобаларни күрганлар. Имом Бухорий ва бошқа мұхадислар унинг ривојтларини ўз китобларига киригтаплар.

Абдурахмон ал-Аъраж – Абу Довул Абдурахмон иби Ҳурмуз ал-Аъраж ал-Маданий (ваф. 735) тобельнілардан бири. Малиналик бўлиб, Абу Ҳурайра, Абу Саъид ал-Худрӣ розий-аллоҳу анхум каби бир канча сахобаларни күрганлар. Ишончли хадис ровийсі сифатида кўплад хадисларни ривојт килғанлар. Искандарияда вафот топганлар.

Абу Жамра – Абу Жамра Наср иби Имрон аз-Забуий (ваф. 746) таникли тобельнілардан бири, ишончли хадис ровийсі. Ибн Аббос, Ибн Умар ва Анас иби Молик розийаллоҳу анхум каби сахобаларни кўрган, кўпроқ Ибн Аббос розийаллоҳу анхум шогирди бўлган. Нишопур, Марв ва Сарахса яшаганлар, Сарахса вафот этганлар.

Абу Зилол – Абу Зилол Ҳилол ал-Қасмалий ал-Басрий (VIII аср) тобельнілардан бири, Анас иби Молик розийаллоҳу анхум шогирди. Кўплаб хадислар ривојт килипшада, лекин хадис ривојтида унчалик кучли хисобланмаган.

Абу Имрон ал-Жавиний – Абу Имрон Абдулмалик иби Ҳабиб ал-Здий ал-Киндий ал-Жавиний ал-Басрий (ваф. 746) машхур тобельнілардан ва уламолардан бири, ишончли хадис ровийсі. Имрон иби Ҳусайн розийаллоҳу анху каби сахобаларни күрганлар.

Абу Исом – Абу Исом Ҳолид иби Убайд ал-Атакий ал-Басрий (VIII аср) тобельнілардан ва уламолардан бири. Анас иби Молик, Абдуллоҳ иби Ҷурайда ва Ҳасан ал-Басрий розийаллоҳу анхум каби сахоба ва тобельнілардан хадислар ривојт килғанлар. Марвда истикомат килғанлар. Абдуллоҳ иби ал-Муборак каби буюк зотлар унга шогирд бўлишиб, уни жуда иззат-икром ишончи накл килинган. Гарчи айrim мұхадислар унинг ривојтларига гап топтилган бўлса-да, мұхадислардан Имом Муслим унинг ривојтини олганлар.

Абу Исҳок ал-Ҳамадоний – Абу Исҳок Амр иби Абдуллоҳ иби Ҳамадоний ас-Сабильий (653–745) тобельнілардан бири, ишончли хадис ровийсі. Ҳазрати Али, Ибн Аббос, Зайд иби Арқам розийаллоҳу анхум каби 38 ёки 48 нафар сахобаларни кўрган. Ўз даврининг 400 нафарга якин устозларидан таълим юштани алоҳида кайд килинган.

Абу Молик ал-Ашжайий – Абу Молик Саъд иби Торик иби-Ашжайий ал-Кўфиий (ваф. 757) тобельнілардан бири, ишончли хадис ровийсі. Анас ва Абдуллоҳ иби Абу Авфо розийаллоҳу анхумо каби сахобаларни кўрганлар. Имом Бухорий хам унинг хадисларини ривојт килғанлар.

Абу Отика – Абу Отика Турайф иби Салмон ал-Кўфиий (ваф. 781) тобельнілардан бири, хадис ровийсі. Басрада хам яшаган ўзот Анас розийаллоҳу анхудан хадис ривојт килғанлар. Узок ўзр кўрган бу зотнинг зехнларига кариплик чогида путур етган юни. Имом ат-Термизий ундан биттагина хадис ривојт килипшада.

Абу Райхона – Абу Райхона Абдуллоҳ иби Магар ал-Басрий (VIII аср) тобельнілардан бири, ишончли хадис ровийсі. Ибн Аббос, Ибн Умар, Сафина розийаллоҳу анхум каби сахобалардан хадис ривојт килғанлар. Лекин ривојтлари унчалик кучли хисобланмаган.

Абу Ҳозим – Абу Ҳозим Салама иби Динор ал-Аъраж иби-Маданий (ваф. 761) кичик тобельнілардан бири, ишончли

хадис ровийси, Малина козиси. Сахобалардан факат Саҳл ибн Саъд ас-Саъдий розијаллоҳу анхуни кўрганлар. Саъд ибн ал-Мусаййаб, Мухаммад ибн ал-Мунқадир каби тобеъинлардан хадис эшитган. Масжиди набавияда козилик килган ва шогирдларига сабок берган. Ундан ўз даврининг улуг олимлари сабок олишган. Жумладан, Имом Молик, Ҳаммод ибн Салама, Ҳамод ибн Абу Сулаймон, Суфён ибн Үйайна, Суфён ас-Саврий каби мухаддислар ундан хадис тинглаганлар.

Абу Ҳорун ал-Абди – Абу Ҳорун Умора ибн Жувайн ал-Абди ал-Басрий (ваф. 751) тобеъинлардан бири, хадис ровийси. Абу Саъд ал-Худрий, Ибн Умар розијаллоҳу анхумо уччалик кучли хисобланмаган. Уни шиаликда айблашган.

Абу Юнус – Абу Юнус Сулайм ибн Жубайр ал-Давсий ал-Мисрий (ваф. 741) тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийси. Таникли сахоба Абу Ҳурайра розијаллоҳу анху уни кулликдан озод килгани боис «Абу Ҳурайраннинг мавлюси» лакаби билан танилган. Бир канча тобеъин, табана тобеъинлар ва мисрлик ровийлар ундан хадис ривоят килгандар.

Абу Яъфур ал-Абди – Вуқдон Абу Яъфур ал-Абди ал-Кўфи (ваф. 738) тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийси. Исмиини Вокид бўлган, деган олимлар хам бор. Мутира ибн Шўба, Ибн Абу Авфо, Ибн Умар ва Анас розијаллоҳу анхум каби сахобаларни кўрганлар. Бу Абу Яъфур ал-Абди каттаси бўлиб, шу номда кичик табана тобеъин хам бор. У Абурураҳмон ибн Убайд ас-Саъдабий ал-Омирий ал-Буқорий ал-Кўфи рагимахуллоҳи.

Абу-з-Зубайр – Абу-з-Зубайр Мухаммад ибн Муслим ибн ишончли хадис ровийси. Ибн Аббос, Ибн Умар, Ибн Масъуд, Ойша розијаллоҳу анхум каби сахобалардан хадис ривоят килган. Лекин ривоятда уччалик кучли хисобланмаган. Имом Молик унинг ривоятларини отганлар.

Абу-р-Рихол ал-Аисорий – Абу-р-Рихол Мухаммад ибн Ҳалил ал-Аисорий ал-Басрий (VIII аср) тобеъинлардан бири. Йишини Холид ибн Мухаммад деганилар хам бор. Ҳазрати Анас розијаллоҳу анхуни кўрганлар. Бир канча кагта тобеъинлардан ўзим ривоятлар килгандар. Лекин, хадис ривоятида уччалик кучли ўзб топилмаган.

Айман иби Нобил – Абу Имрон Айман ибн Нобил юн-Ҳабаший (VIII аср) тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийси. Маккада яшагандар. Хадис ривоятида уччалик кучли хисобланмаган.

Али иби ал-Ақмар – Абу-л-Возеб Али ибн ал-Ақмар юн-Ҳамадоний ал-Водэйй ал-Кўфи (VIII аср) тобеъинлардан бири. Асли Ҳамадондан бўлиб, Кўфала истикомат килган. Ибн Умар розијаллоҳу анху ва бошка сахобалардан ривоят килган. Ибн Майнин уни ишончли хужжат ровий дегандар.

Алов иби Аблурраҳмон – Абу Шибл ал-Алов ибн Аблурраҳмон ал-Хуракий ал-Маданий (ваф. 750) тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийси. Ибн Умар розијаллоҳу анху ва Анас розијаллоҳу анху каби бир канча сахобалардан хадис ривоят килган.

Амр иби Абу Амр – Абу Усмон Амр иби Абу Амр ал-Махзумий (ваф. 762) тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийси. Оғасининг исми Майсара дейипшган. Анас ибн Молик розијаллоҳу анхудан хадис эшитган. Айримлар унинг ривоятларини уччалик кучли эмас деб топишган бўлса-да, лекин Имом Молик, Имом Бухорий ва Имом Муслим каби буюк мухаддислар ундан хадис ривоят килишиб, унинг ишончли эканини тасдиқлашган.

Амр иби Диюр – Амр иби Диюр ал-Жумахий (666–743) Маккада муфтий ва мұжтахид бўлган зотлардан бири, буюк тобеъинлардан хисобланади. Асли келиб чиқиши форслардан бўлган бу зот бир канча факих сахобаларга хизмат килгандили боис ўларни хам факих бўлиб танилганлар. Ишончли ровий сифатида

500 та хадис ривоят килганлар. Сүфён ибн Уйайна түрт марғи «У ишончли, ишончли, ишончли ва ишончлидир» деганлар.

Анас иби Сирин – Абу Мусо Анас иби Сирин ал-Ансорий (ваф. 738) тобеъинлардан бири. У зот Анас розийаллоху анхунинг озод килган кули бўлиб, Ибн Умар розийаллоху анху ши Ибн Аббос розийаллоху анху каби бир канча сахобалардан хадис ривоят килган.

Ато иби Абу Рабоҳ – Ато иби Аслам иби Сафрон (647–732) тобеъинларниң улугларидан бири, факих, мұжтахид, ишончли хадис ровийси. Асли яманлик бўлган, лекин кораганли қул бўлиб, Маккага келиб колган. Маккада сахобалар даврида ёки муфтий сифатида танилган. Энг улуг сахобалардан 200 га якинни кўриб шогирд бўлган. Ибн Аббос розийаллоху анху Маккаликларга карата: «Эй Макка ахли! Сизларниң тортингизди Ато бўла туриб, менинг одимга келаяпсизми?» – дегани накл килинган. Умавийлар халифаси жарчиси: «Атодан бошка одам Маккада фатво бермасин!» – деб эълон килган эди.

Жаълд Абу Усмон – Абу Усмон ал-Жаълд иби Динор ал-Яшкурий ал-Басрий (VIII аср) тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийси. Анас розийаллоху анхудан хадис ривоят килган.

Зайд иби Аслам – Абу Усома Зайд иби Аслам ал-Адавий ал-Умарий (ваф. 753) утуг ва таникли тобеъинлардан бири, ўта ишончли хадис ровийси. Умар иби ал-Хаттоб розийаллоху анхунинг озод килган кули бўлган. Мадинада яшаган факих ва муфассир тобеъинларниң уламоларидан хисобланади. Масжиди набавийда халка тузиб, талабаларга сабок берганлар. Абу Хотим: «Малина унинг факих бўлиб етишган кирк нафар поғирдини кўрганман», – деган эди. У зот Дамашкка бир масадани шаръий жихатдан хал килиб берилиши учун маҳсус юборилган. Унинг «Гафсир ал-Куръон» китоби бўлган.

Зиёл иби Илок – Абу Молик Зиёл иби Илок ас-Сальбай ал-Кўфий (ваф. 743) тобеъинлардан бири. Усома иби Шарик, Жарир, Муғира иби Шўъба ва Кутба иби Молик розийаллоху

ишимдии хадис ривоят килган. Шўъба, Сүфён ас-Саврий ва ўғрии иби Уйайна каби хадис олимлари ундан ривоят кабул ишончли оғанлар.

Ібройл – Абу Яхё Зарбий иби Абдуллоҳ ал-Асадий ал-Басрий (VIII аср) тобеъинлардан бири. Масжидда муаззин ва имом бўйлаб. Хадис ривоятида заиф деб топилган. Ҳатто ривоյлари ишончли оғанлар.

Ибн Абу Муляйка – Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ ибн Абу Муляйка ат-Таймий ал-Маккий (ваф. 735) машхур тобеъинларидан бири, ишончли хадис ровийси. Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр юғоришилоху анху даврида кози ва муаззин бўлган. 80 нафарга ишончли сахобаларни кўрган ва улардан хадислар ривоят килган.

Ибн Шихоб аз-Зухрий – Мухаммад ибн Муслим ибн Абдуллоҳ ибн Шихоб аз-Зухрий (678–742) таникли хадисшунос олим, ишончларниң ишончли ровийси. Буюк тобеъинлардан бўлган ишончли. Хадисларни ишонч бор китоб холига келтиргандар.

Иброҳим иби Майса – Иброҳим ибн Майса ат-Тоифий (ваф. 750) тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийси. Асли юғориши бўлиб, Маккада истикомат килган. Анас розийаллоху анху каби узок умр кўрган бир неча сахобаларни кўриб колган. Сүфён ас-Саврий: «У мен кўрган одамларниң энг ишончлиси ён гўтирасузи», – деб баҳо берган. 60 дан ортик хадис ривоятлари ёнбо кеплан.

Исмоил иби Абу Холид – Исмоил ибн Абу Холид ал-Ахмадий (ваф. 764) тобеъинлардан бири. Абдуллоҳ ибн Абу Авғро розийаллоху анху каби ўндан ортик сахобаларни кўриб, улардан хадис ривоят килган. Тегирмончилик касби билан шуғулланган, ўта ишончли деб топилган. У орқали жами 500 ён якин хадис ривоят килинган.

Қатода – Абу-л-Хаттоб Қатода ибн Диъома ас-Садусий ал-Басрий (680–737) тобеъинлардан бири, таникли мухадис ва муфассир олим. Анас ибн Молик, Абу Саъид ал-Худрий розий-

аллоху анхумо каби сахобалар билан бирга бўлган. Унинг кўни
лари оқиз эди. Хадис, тафсир, лугат, алабиёт ислмларига журу
мохир, «Тафсир ал-Куръон» номли асари бўлган дейилди
Восит шахрида вабо сабабли вафот этган.

Мишрах ибн Хөйон (Охон) – Мишрах ибн Хөйон
ал-Маофирий (ваф. 738) тобебинлардан бири. Бир неча сахоба
лардан хадис ривоят килган. Лекин хадис ривоятида уччалик
кучли хисобланмаган.

Муоз ибн Рифоъа – Муоз ибн Рифоъа ибн Рофев ибн Молик
ал-Ансорий аз-Зуракий ал-Маданий (VIII аср) тобебинлардин
бери. Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоху анху каби сахобаларни
кўриб, улардан хадис ривоят килган. Ўз отасидан ҳам хадис ри-
воят килган. Хадис ривоятида заиф деб топилган.

Муслим ал-Альвар – Абу Абдуллоҳ Муслим ибн Кайсон
ал-Альвар аз-Заббий ал-Мулоий (VIII аср) тобебинлардан бири
Баррода, яъни чопар бўлган. Анас розийаллоху анхудан хадис
 rivoyaт kилган. Хадис ривоятида уччалик кучли бўлмаган, замо
деб топилган.

Муслим ал-Мулоий – каранг: *Муслим ал-Альвар*.

Мухаммад ибн ал-Мункадири – Абу Бакр Мухаммад ибн
ал-Мункадири ибн Абдуллоҳ ибн Ҳудайр ат-Таймий (674–748)
улуг тобебинлардан бири, машхур олим, ўта ишончли хадис ро-
вийси. Бир канча буюк сахобаларни кўриб, уларга хизмат кил-
ган ва шогирд бўлган. Пархезкор обид ва зоҳидиги билан ҳам
танилган. Суфён ибн Үйайнга у ҳакида: «У тўғрисузулик мавда-
ни», – деган ёкан. 200 га якин хадис ривояти етib келган.

Мухаммад ибн Аммор ибн Сабъ ал-Караз – Мухаммад

инлардан бири. Малинада Пайғамбаримиз алайхиссаломнинг
«Масжиди набавий» ларида муаззинлик килган. Абу Ҳурайра
розийаллоху анху каби бир неча сахобалардан хадис ривоят
килган.

Мухаммад ибн Зайд – Мухаммад ибн Зайд ибн ал-Муҳо-
мад ибн Қудіфуз ал-Кураший ат-Таймий ал-Маданий (VIII аср)
тобебинлардан бири, ишончли хадис ровийси. Абдуллоҳ ибн
Умар, Ибн Омир, Абу Умома розийаллоху анхум каби
тобебинларни кўриб, улардан хадис ривоят килган.

Мухаммад ибн Зиёл ал-Жумахий – каранг: *Муғаммад ибн Зиёл ал-Жумахий*.

Муҳаммад ибн Зиёл ал-Алхоний – Абу Суфён Мухаммад
ибн Ҷиёл ал-Алхоний ал-Химсий (VIII аср) тобебинлардан бири,
ишончли хадис ровийси. Бир канча сахобалардан хадис ривоят
ишини. Лекин хадис ривоятида уччалик кучли хисобланмаган.

Муҳаммад ибн Зиёл ал-Жумахий – Абу-л-Хорис Мухам-
мад ибни Зиёл ал-Жумахий ал-Кураший ал-Маданий ал-Басрий
(VIII аср) тобебинлардан бири, ишончли хадис ровийси. Басра-
ий шигардлар. Ўнга якин сахобалардан хадислар эшлиб, риво-
яти топиллар.

Нофев – Абу Абдуллоҳ Нофев ал-Маданий (ваф. 735) таник-
шарифи тобебинлардан бири. Ўзининг факиҳлиги билан танилган,
ишончли хадис ровийси. У сахоба Абдуллоҳ ибн Умар розийал-
лоху шоҳунинг хос ходими ва шогирди бўлганлар. Ҳалифа Умар
ибни Абдулазиз раЖимахуллоҳ уни Мисрга муаллим-устоз килиб
кўшилганлар.

Осим ал-Ахвал – Абу Абдурахмон Осим ибн Сулаймон
ибни Ахвал ал-Басрий (ваф. 760) тобебинлардан бири, пархезгор
ошим, ишончли хадис ровийси. Кўфада мұхтасиб, Мадоинда эса
билиб бўлган.

Рабеъа ибни Абу Абдурахмон – Абу Үсмон Рабеъа ибни Абу
Абдурахмон Фаррух ал-Кураший ат-Таймий (ваф. 754) таник-
шарифи тобебинлардан бири, буюк олим. У рапъ ва киёста
ишини улуг тобебинлардан бири, буюк олим. У рапъ ва киёста
кўшилган. У хот буюк мұжтахид Йомом Моликнинг устоси.

зидирлар. У Анас ибн Молик разиаллоху анху ва ас-Соб иби Язид розийаллоху анху каби сахобаларни кўриб, улардан хадис ривоят килган. Мадинада муфтий бўлгандар. Имом Молик: «Рибъеъ ар-Ратй вафот этгандан бери фикнинг хам халовати кўди!» – деган эканлар.

Салама иби Варлон ал-Лайсий – Абу Яъло Салама иби Варлон ал-Лайсий ал-Маданий (ваф. 725) тобеъинлардан бири. Жобир иби Абдуллоҳ, Салама иби ал-Аквав, Абууррахмон иби Ашайм, Анас иби Молик розийаллоху анхум каби сахобаларни кўриб, улардан хадис ривоят килган. Лекин хадис ривоятида заиф деб топилган.

Саль иби Иброҳим – Саль иби Иброҳим аз-Зухрий ал-Баградий (VIII аср) тобеъинлардан бири. У машхур сахоба Абууррахмон иби Авф розийаллоху анхунинг невараси. Восит шахрида кози бўлган.

Саъид иби Абу Саъид ал-Макбурий – Абу Саль Саъид иби Абу Саъид Кайсон ал-Макбурий ал-Маданий (ваф. 743) тобеъинлардан бири, таникли ва ишончли хадис ровийси. Ажодлари Мадинадан бири макбарага шаҳихлик килгани бойс ал-Макбурий ёки ал-Макбарий деган нисба билан танилган. Ўндан ортиқ сахобаларни кўриб, шогирд бўлиб, улардан хадис ривоят килганлар. Вафот санаси хакида турли фикрлар бор.

Саъид иби Язид Абу Маслама – Абу Маслама Саъид иби Язид ал-Аздий ат-Тохий ал-Басрий (VIII аср) тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийси. Анас розийаллоху анху ва бошка сахобаларни кўриб, ундан хадислар ривоят килган.

Симок иби Харб – Абу-л-Муғира Симок иби Харб иби Абс иби Хотид аз-Зухалий ал-Бакрий (ваф. 741) машхур тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийси. Саксон нафардан ортиқ сахобаларни кўрганлар. Лекин хадис ривоятида унчалик кучли деб топилмаган. Умрининг охирларида хотирасига пултур етгани сабабли, хадис ривоятида заиф деб топилган.

Собит ал-Буоний – Абу Мухаммад Собит иби Аслам ии қутий ал-Басрий (ваф. 745) машхур тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийси. Унинг 250 дан ортиқ хадислар ривоят ўтиши маълум. Анас розийаллоху анхунинг хос шогирдларини бири. Хар куни бир марга Куръонни хатм килар, кунда рўза ўтиш эканлар.

Солих Мавлю ат-Тавъама – Солих иби Абу Солих Набхон ии Маданий (ваф. 743) тобеъинлардан бири. У Умайя иби Ҳолифлинг кизи Тавъаманинг озод килган кули бўлган. У Абу-л-Дардо, Ойша, Абу Ҳурайра, Ибн Аббос розийаллоху анхум каби сахобаларни кўриб, улардан хадис эшигтан. Бирор ўтишининг охирда хотирасига пултур етгани сабабли, хадис ривоятида заиф деб топилган.

Сулаймон ат-Таймий – Абу-л-Мўтамир Сулаймон иби Іброн ат-Таймий ал-Басрий (665–760) машхур тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийси. Сахоба Анас иби Молик розийаллоху анху ва машхур тобеъинлардан хадис ривоят килган. Умматнинг энг обид кишиларидан бири бўлган. Кирк йил хуфтонинг таҳорати билан бомждодни ўқигани накл килинган. Хар ёнча бошқа-бошқа масжидларга бориб ибодат килиб чикканлини зикр этилган.

Талха иби Хирони – Талха иби Хирон иби Абууррахмон ии-Ансорий ал-Маданий (VIII аср) тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийси. Жобир иби Абдуллоҳ розийаллоху анху каби сахобалардан хадис ўрганган. У мазкур сахобанинг амакиваҷчиши бўлган.

Холид иби Заквон – Абу-л-Хусайн Холид иби Заквон ии-Маданий (VIII аср) тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийси. Рубайётъ бинги Муаввиз, Умму-л-Дардо розийаллоху анхум каби сахобаларни кўрган. Лекин хадис ривоятида унчалик кучли деб топилмаган. Ўзи хам озигина хадисларни ривојли экан.

Шабиб иби Бишр – Абу Бишр Шабиб иби Бишр ал-Хадабий ал-Күфий (VIII аср) тобеъинлардан бири. Анас розийаллоху анху ва Икрима ракимахуллохнинг шогирди. Ишончили хадис ровийиси бўлса-да, ривоятла унчалик кучли хисобланмаган.

Шурахбиль иби Муслим ал-Хавлоний – Шурахбиль иби Муслим иби Хомид ал-Хавлоний аш-Шомий (VIII аср) тобеъинлардан бири. Беш нафар сахобани кўрган экан. Асосан, шомлик ровийлар ундан хадис ривоят килгандар.

Язид иби Абу Убайд – Абу Холид Язид иби Абу Убайд ал-Хижозий ал-Асламий (ваф. 764) тобеъинлардан бири, ишончили хадис ровийиси. У сахоба Салама иби ал-Аквай розийаллоху анхунинг озод килган кули бўлган.

Яхё иби Абу Исҳок ал-Хазрамий – Яхё иби Абу Исҳок ал-Хазрамий ал-Басрий ан-Нахвий (ваф. 754) тобеъинлардан бири, ишончили хадис ровийиси. Анас иби Молик розийаллоху анху каби сахобаларни кўриб, улардан хадис ривоят килган. Куръон хофизи, нахв – араб тили грамматикиси олими бўлган. Лекин хадис ривоятида унчалик кучли хисобланмаган.

Яхё иби Саъид ал-Ансорий – Яхё иби Саъид иби Кайс ал-Ансорий ан-Нажкорий (ваф. 760) тобеъинлардан бири, ишончили хадис ровийиси. Сахоба ва кагта тобеъинлар даврида бир муддат Мадинада кози бўлган. Хадис илмининг улуғ имомларидан бири бўлиб, кейинчалик Ирокда хам козиллик килган.

Ханзала иби Абдуллоҳ (ас-Садусий) – Абу Абдурахмон бири. Отасининг исмими Убайдуллоҳ, Абурурахмон, Абу Сафийя хам дейишган. У Анас розийаллоху анху каби бир неча сахобалардан хадис ривоят килган. Лекин хадис ривоятида заиф деб топилган. Муаллим ва китоблор бўлган.

Хорис иби ан-Нўймон ал-Лайсий – ал-Хорис иби ан-Нўймон ал-Лайсий (VIII аср) тобеъинлардан бири. У Анас розийаллоху анху каби бир неча сахобалардан хадис ривоят

ни. У машхур тобеъин Саъид иби Жубайрнинг отасининг уйга бўлган. Хадис ривоятида заиф деб топилган. Имом ат-Термиши бигта хадисни, Ибн Мока эса уча хадисни ундан ривоят юнинган.

Хумайд ат-Тавийл – Абу Убайда Хумайд иби Абу Хумайд ал-Гашшабий ал-Хузбий ал-Басрий (687–760) машхур тобеъинлардан бири, ишончили хадис ровийиси. Намоз ўқиб турганида ва-фот этган. Унинг хадис тўплами хам бўлган. Анас розийаллоху анхуни кўриб, ундан 24 та хадисни ривоят килган. У, асосан, Ибн Басрий ракимахуллохнинг шогирдидир.

«Рўбобийёт ат-Термизий»даги ровий табала тобеъинлар

Аббол иби Аббол ал-Мухаллабий – Абу Муовия Аббол иби Аббол иби Хабиб ал-Атакий ал-Мухаллабий ал-Басрий (ваф. 797) табаба тобеъинлардан бири, ишончили хадис ровийиси. Ўюногда яшаган улуғ олимлардан бўлган. Ахмад иби Ханбал, Яхё иби Малин, Кутайба каби мухадислар устози. Кутайба: «Хар куни у зотдан камида икки хадис ўрганмагунча уйга кайтисе эдику, – дегандар.

Аббод иби Лайс Соҳиб ал-Каробисий ал-Басрий – Аббулхасан Аббод иби Лайс ал-Каробисий ал-Кайсий ал-Басрий (VIII аср) табаба тобеъинлардан бири, хадис ровийиси. Бир канчи тобеъинлардан хадис ривоят килган, лекин хадис ривоятида унчалик кучли деб топилмаган.

Абдулазиз иби Абу Ҳозим – Абу Таммом Абдулазиз иби Абу Ҳозим Салама иби Динор ал-Маданий (725–800) табаба тобеъинлардан бири, ишончили хадис ровийиси, буюк олим, факих ва муҳадис. Ўз даврида Имом Моликдан кейин Мадинада ундан кучли факих топилмаган. Сажда холатига вафот топганлар.

Абдулазиз иби Муслим – Абу Зайд Абдулазиз иби Муслим ал-Касмалий ал-Марвазий ал-Басрий (ваф. 784) табаба тобеъинлардан бири, ишончили хадис ровийиси. Абу Исҳок ал-Хама-

лоний, Абдуллох ибн Динор, Яхё ибн Саид ал-Ансорий каби тобеъинлар шогирди бўлган. Обид ва абдол зотлардан хисобланган.

Абулализ ибн Мухаммад – Абу Мухаммад Абулализ ибн Мухаммад ибн Убайд ад-Даровардий ал-Маданий (ваф. 803) табаъа тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийси. Хурросонинг Даробжирд кишлогидан бўлган дейилса, у яшаган пайти нишбаси кўтпанади леб хам айтпиган. Хадис ривоятида унчалик кучли хисобланмаган. Ўзининг алоҳида хадис тўплами бўлган.

Абдулваҳҳоб ас-Сакафий – Абу Мухаммад Абдулваҳҳоб ибн Абдулмажид ас-Сакафий ал-Басрий (728–810) табаъа тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийси, факих олим. Ахмад Устозлил килган. Бир йили ғалласини 40 000 дирхамга сотиб, маблагининг хаммасини мухадисларга улаштириб берган экан.

Саъид ибн Заквон ал-Анварий ат-Танурий ал-Басрий (720–796) табаъа тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийси. У басралик таникли мухадислардан хисобланади. Бирок қадарийлик оқими вакили леган айб ўйнилган.

Абдулвөрис ибн Сальи – Абу Убайда Абдулвөрис ибн табаъа тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийси. У басралик таникли мухадислардан хисобланади. Бирок қадарийлик ибн Муборак ал-Марвазий (736–797) машхур табаъа тобеъинлардан бири, таникли факих ва хадисшунос олим. Имоми Аъзам Тарихда биринчи бўлиб «Арбальин» («Кирк хадис») ёзган зот. Унинг «аз-Зухд ва-р-ракоику» номли асари бор.

Абдуллоҳ ибн Бакр – Абу Вахҳаб Абдуллоҳ ибн Бакр ибн Хабиб ас-Сахмий ал-Бохилий ал-Бассрий (ваф. 804) табаъа тобеъинлардан бири, ишончли халис ровийси. Ахмад ибн Ханбал, Абу Бакр ибн Абу Шайба, Али ибн ал-Мадиний каби мухадислар устози.

Абдуллоҳ ибн Жаъфар – Абу Жаъфар Абдуллоҳ ибн Жаъфар (уёнимон ал-Хузэйй ал-Маданий (ваф. 795) табаъа тобеъинлардан бири. Басрада шеитомат килганлар. Абдуллоҳ ибн Динор, Абу Хоизим сингашиниф леб топилган.

Абдулхамид ибн Сулаймон – Абу Умар Абдулхамид ибн Абуурахмон ибн Зайд ибн Абу-л-Маволий (ваф. 790) табаъа тобеъинлардан бири. Бағдодда истикомат килган, кўзлари оқиз бўлган. Абу Хоизим ва Ибн Ажлон сингари тобеъинлардан хадис ривоят юнгли. Лекин хадис ривоятида заид леб топилган.

Абуурахмон ибн Абу-л-Маволий – Абу Мухаммад Абуурахмон ибн Зайд ибн Абу-л-Маволий (ваф. 790) табаъа тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийси. Мухаммад ибн Қиб ал-Куразий, Мухаммад ибн ал-Мункалир, Ибн Шихоб ўзукрий каби тобеъинлардан хадис ривоят килган.

Абу Авона – ал-Ваззоҳ ибн Абдуллоҳ (Холид) ал-Йашкуний ал-Воситий (ваф. 792) таникли табаъа тобеъинлардан бири. Хадис хофизнаридан бўлган. Католанинг шогирларидан бири хисобланади. уни таникли хадис олими Шўббадан кўра ишончлилар дейилган. Чунки у зот барча хадисларни ёзиб, улар устида шонмай изланар эканлар. Басрада вафот этган. уни «ал-Муснад» муаллифи Абу Авона билан адаштирумаслик керак.

Абу Бакр ибн Айёш – Абу Бакр ибн Айёш ибн Солим ил-Асадий ал-Кўфиий (714–810) таникли хадис ровийларидан бири, дунёнинг обид ва факихларидан бўлган. Асил исми борисида тури фикрлар билдирилган. Кўфанинг кироат олимлиридан бири бўлган. Ўтиз ўйни давомида хар куни бир марта Куръонни хатм килган, етмиши ўйни давомида муттасил рўза тутган, кенаси ухламай иборат билан ўтказган эканлар. Умрининг охирларидан ёддан хадис айтганида, кўп янгишиадиган бўйи колган экан.

Абу Осім – Абу Осім ан-Набіл аз-Заххок ібн Мұхаддаш аш-Шайбоний ал-Басрій (740–828) ишончли хадис ровийсі, факих, ўзининг хадис түпнамига эга бўлган. Маккала туғилиб ўстган, лекин Басрада яшаб колган. Имом Ахмаднинг устозларидан бири.

Абу-л-Ахвас – Абу-л-Ахвас Мұхаммад ибн Ҳайён ал-Багавий (ваф. 842) табаба тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийсі. Бағдолда истикомат килган. Бир канча тобеъинлардан хадис эшитган. Имом Мұслим ундан бир неча хадис ривоят килган.

Айоб ибн Жобир – Абу Сулаймон Айоб ибн Жобир ас-Сұхаймтій ал-Ямомий ал-Кўфий (VIII аср) табаба тобеъинлардан бири, хадис ровийсі. Симок ибн Ҳарб каби тобеъинлардан хадис эшитган. Лекин хадис ривоятида занф деб топилган.

Али ибн Оби – Али ибн Оби ал-Асадий ал-Кўфий ал-Мулоий (VIII аср) табаба тобеъинлардан бири, хадис ровийсі. Мұслим ал-Мулоий каби тобеъинлардан хадис ривоят килган. Лекин хадис ривоятида занф деб топилган.

Али ибн Мұсхір – Абулхасан Али ибн Мұсхір ал-Қурashiй ал-Кўфий (ваф. 805) табаба тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийсі. Мавсил ва Армания козиси, факих ва мұхаддис. «Сіхохи сігтта»да унинг ривоятлари мавжуд. Умрининг охирда кўзлари ожиз бўлиб, Кўфага кайтиб келган.

Атоф ибн Холид ал-Махзумий – Атоф ибн Холид ибн Абдуллоҳ ибн ал-Осс ал-Махзумий ал-Маданий (VIII аср) табаба тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийсі. Машхур тобеъинлардан сабок олган. Юзга якин хадисларни ривоят килган.

Ахмад ибн Башир – Абу Бакр Ахмад ибн Башир ал-Мазумий ал-Кўфий (ваф. 813) табаба тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийсі. Бағдолда истикомат килган. Лекин хадис ривоятида кучли эмас деб топилган.

Башир ибн ал-Муғаззал – Абу Исмоил Башир ибн ал-Мұғаззал ибн Ҳожик ар-Ракоший ал-Басрій (ваф. 803) табаба тобеъинлардан бўлиб, Басранинг энг ишончли хадис ровийларидан бири. Таникли тобеъинларнинг шогирди. У зот хар куни 400 ривоят намоз ўқир, кун ора рўза тутар эти.

Жаъфар ибн Сулаймон аз-Забуний – Абу Сулаймон Жаъфар ибн Сулаймон аз-Забуний ал-Басрій (ваф. 795) табаба тобеъинлардан бири, хадис ровийсі. Собит ал-Буноний ва Ибн Журайж каби тобеъинлардан сабок олган. Лекин ўзи шиаликда айтпилган. Хадис ривоятида занф деб топилган.

Ҷиёл ибн ар-Рабеъ – Абу Хидош Зиёл ибн ар-Рабеъ ал-Йахшиий ал-Басрій (ваф. 801) табаба тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийсі. Ахмад ибн Ҳанбал, Ибн Абу Шайба, Ибн Мадиний каби мұхаддислар ундан хадис ривоят килганлар. Сулаймон ал-Касмалий ал-Басрій (ваф. 810) табаба тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийсі. Сулаймон ат-Таймий, Ҳумайд ат-Тавил, Ибн Ави ва Ҳишом ал-Дастувой каби тобеъинлардан хадис ривоят килган. Ахмад ибн Ҳанбал каби буок мұхаддисларга устоз хисобланади.

Ибн Абу Фудайк – Абу Исмоил Мұхаммад ибн Исмоил ибн Мусим ибн Абу Фудайк ал-Дайлий ал-Маданий (ваф. 816) табаба тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийсі. Имом Шоғерсьй, Имом Ахмад, Кутайба, Абл ибн Ҳумайд каби мұхаддислар ундан хадис ривоят килганлар. Лекин хадис ривоятида унчалик кучли хисобланмаган.

Ибн Лахиъа – Абу Абдурахман Абдурахмон ибн Лахиъа ибн Фаръон ал-Хазрамий ал-Мисрий (715–790) Миср козиси, ишончли хадис ровийсі. Мисрда ўй йил козилкіл килганлар. 787 йилда ўй ва кутубхонаси бутунлай ёниб кетган экан. Гарчи ривоятлари занф дейилса да, бирок Суфён ас-Саврій, Ахмад ибн Ҳанбал каби мұхаддислар унга хадис ровийсі сифатида ишеск баҳо бергандар.

Иброхим иби Абулазиз иби Абдулмалик иби Абу Махзура – Абу Исмоил Иброхим иби Абулазиз иби Абдулмалик иби Абу Махзура ал-Кураший ал-Жумахий ал-Маккий (VIII аср) табаъа тобеъинлардан бири, хадис ровийиси. Ўз отаси ва бобо-сидлан, шуннингдек, бошка тобеъинлардан хадис ривоят килган. Лекин хадис ривоятида заиф деб, топилган. У Пайгамбаримиз Расулуппоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламнинг муаззинлари Абу Махзура розийаллоҳу анхунинг чевараси бўлади.

Иброҳим иби Саль – Абу Исҳок Иброҳим иби Саль ал-Кураший аз-Зухрий ал-Маланий (727–800) табаъа тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийиси. Баглодда истикомат килингандар. У ўн нафар жаннат башорати берилган машхур саҳобалардан бири Абдураҳмон иби Авғ розийаллоҳу анхунинг чевараси бўлади. У Имом аш-Шофетий ва Имом Аҳмаднинг устози хисобланади. Ҳалифа Ҳорун ар-Рашидининг байтулмомли хазинадори ва козиси бўлиб ҳам ишлаган. У зот мусикани жонсановчи, ўзи хам удни маҳорат билан черга оладиган киши бўлган экан. Унинг хадис тўпламидан бир парча бизнинг давримиззагача кўлэзма холида сакланиб колган.

Исмоил иби Айёш – Абу Утба Исмоил иби Айёш ал-Ансий ал-Химсий (721–798) табаъа тобеъинлардан бири, хадис ровийиси. Ўтиз мингдан ортиқ хадис ёд битгани зикр килинганд. Шомда Ҳазрати Али розийаллоҳу анхуни ёмонловчилар кўпайиб кеттанига, у зот уларни тўғри йўлга соглани мальум. Шомлик муҳалислардан ривоят килган хадисларига ишонч билдирилган, хижозликлардан килган ривоятига шубҳа билдирилган. Кариган чогида хотирасига птур стган экан.

Исмоил иби Жаъфар – Абу Исҳок Исмоил иби Жаъфар иби Абу Касир ал-Ансорий аз-Зуракий (ваф. 797) табаъа тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийиси. Жаъари Содик, Ҳумайд ат-Тавил, Абдуллоҳ иби Динор каби тобеъинларни кўрган. Асли мадинаитик бўлиб, Бағдодда истикомат килган. Бир мажисла

100 та хадисни ёддан айтиб ривоят килиб берган. У зот Имом Молик билан хамсабок шерик бўлган.

Исмоил иби Иброҳим – Абу Бишр Исмоил иби Иброҳим ал-Асадий ал-Басрий (729–809) табаъа тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийиси. У зот «Иби Улайя» кунияси билан ташланган. У зотни «Фақиҳларнинг раҳони» деб тарьиғлашган. Муҳадис Абу Довуд: «Муҳадисларнинг барчаси ҳам хото килмади, лекин Исмоил иби Улайя алашмайди!» – деганлар.

Лайс иби Саль – Абу-л-Хорис иби Саль иби Абдурраҳмон ал-Фаҳмий ал-Мисрий (713–792) табаъа тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийиси. Асли келиб-чикиши Исфаҳондан бўлган. Нофетъ, Ато иби Абу Рабоҳ, Қатода, Ибн Ажлон сингари ёмончи тобеъинлардан хадис эшигига. Саховатли зот бўлган, ишончларга фатво бериш билан шугулланган таникли мужтаҳид хисобланган. Ахли илмларга жуда катта хомийликлар килган. Ўтирма ўйларни мөхмонаиз таом емагани накл килинган. Унинг ёзган асарлари бўлган, лекин биззача етиб келмади. Унинг таржими холига бағишлаб Ибн Ҳажар ал-Аскалийн «ар-Рахмат ал-Гайса» деган рисола битган.

Марвон иби Муовия ал-Фазорий – Абу Абдуллоҳ Марвон иби Муовия ал-Фазорий ал-Кўфий (ваф. 809) табаъа тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийиси. Макка ва Ҷамағқда ишончомат килган. Ҳумайд ат-Тавил, Осим ал-Ахвал, Сулаймон ўт-Гаймий, Айман иби Нобил каби тобеъинларга шогирд бўлган. Имом Аҳмад, Исҳок иби Роҳвайҳ, Ибн Абу Шайба, Аҳмад иби Мансур, Абу Курайб, Сайд иби Мансур каби таникли муҳадисларга устозлик килган.

Молик иби Анас – Абу Абдуллоҳ Молик иби Анас ал-Машиний (713–795) машхур фақих, мұжтаҳид опимлардан бири. Моликийлик мазхабининг асосчиси. «Мадина имоми» деган фикрли унвонга эга бўлганлар. Унинг хадисга оид «ал-Муват-то» асари машхур.

Мункалир иби Мухаммад иби ал-Мункалир – Мункалир ибн Мухаммад ибн ал-Мункалир ал-Кураший ал-Маданий (ваф. 797) табаъа тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийси. Ўз отаси Мухаммад ибн ал-Мункалир хамда Абу Хозим.

Ибн Шихоб аз-Зухрий каби тобеъинлардан хадис ривот килган. Лекин хадис ривоятида куччи хисобланмаган.

Мусо иби Иброхим иби Касир ал-Ансорий – Мусо иби Иброхим ибн Касир ал-Ансорий ал-Харомий ал-Маланий (VIII аср) табаъа тобеъинлардан бири, хадис ровийси. Бир канча тобеъинлардан хадис ривоят килган, лекин хадис ривоятида кўп като килиши зикр этилган.

Мухаммад иби Абдуллоҳ ал-Ансорий – Абу Абдурраҳмон Мухаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ал-Ансорий ал-Маданий (ваф. 757) табаъа тобеъинлардан бири, хадис ровийси. Малинала масжидда уларнинг хонадонига тетишили илм халқаси бўлган. Кам ривоят килган, лекин Имом Молик каби мұхадисларга устозлил килган.

Мухаммад иби ал-Фазл – Абу ан-Нўймон Мухаммад иби ал-Фазл ас-Садусий ал-Басрий (ваф. 838) табаъа тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийси. У зот Орим (Балжахл) лакаби билан танилган. Умрининг охириларида хотираси сустлашган экан. Имом Бухорий ундан 100 дан ортик хадисларни ривоят килганилар.

Рифова иби Яхё иби Абдуллоҳ иби Рифова иби Рофев ёз-Зуракий – Рифова иби Яхё иби Абдуллоҳ иби Рифова иби Рофев ёз-Зуракий (VIII аср) табаъа тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийси. Малинадиги Бани Зурайк кабиласининг масжидида имомлик килган. Имом ал-Каробисий ва кутайба каби олимлар ундан хадис ривоят килганилар. Унинг нимозда акса урган одам ҳакидаги биттагина ривоятини Абу Довуд, ат-Термизий ва ан-Насойй каби мұхадислар ўз тўпламирида келтирғанлар.

Собит иби Мухаммад ал-Обид ал-Кўфий – Абу Мухаммад Собит иби Мухаммад ал-Обид ал-Кўфий (ваф. 831) табаъа тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийси. Имом ас-Саврий, Мисъар иби Кидом каби мұхадислар шотириди. Имом Бухорий ундан хадис ривоят килганилар. У зот ўзининг обидиги ва юхидлиги билан танилган эканлар. Лекин хадис ривоятида уччалик куччи хисобланмаган.

Муҳриз иби Ҳорун – Муҳриз иби Ҳорун ибн Абдуллоҳ ат-Тамими (VIII аср) табаъа тобеъинлардан бири, хадис ровийси. Унинг исми Мухаррар леб ҳам зикр килгани. Жумладан,

Имом Бухорий унинг исми Мухаррар бўлган леб кайд килган. Бирок хадис ривоятида заиф леб хисобланган. «Сихохи ённи»да Имом ат-Термизийни ундан хадис ривоят килганилар, шундай.

Мұльтамир иби Сулаймон

– Абу Мухаммад Мұльтамир иби Сулаймон иби Тархон ат-Таймий ал-Басрий (725–803) табаъа тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийси, Басра мұхадиси. Ибн Умайр, Осим ал-Ахвал, Айоб ас-Сахтиений ва Мансур ибн ал-Мұльтамир каби тобеъинлардан хадис ривоят килган. Йашига бориб истикомат килган. Имом Ахмад каби мұхадисдорга устозлил ҳам килган. Унинг «кал-Магозий» номли хадис ўюлами бўлган.

Шук иби Қайс – Абу Рух Нух иби Қайс иби Рабоҳ ал-Худоӣ ал-Басрий (ваф. 800) табаъа тобеъинлардан бири, ишончли хадис ровийси. Бир канча тобеъинлардан хадис ривоят килган. Имом Бухорийдан бошка мұхадислар ўзининг ривоятларини ўз тўпламларига киритгандар.

